

## БУГУНГИ КУН ЎҚИТУВЧИСИНING КАСБИЙ КОМПИТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Атаджанова Севара Бекмуратовна*

*Абдурахмонова Зебо Юлдошевна*

*Рахманова Саодат Акмал қизи*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши ўз навбатида ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Мақолада таълим тарбия жараёнида алоҳида ўрин тутган ҳамда ҳозирги замон ўқитувчиси эгаллаши керак бўлган касбий компитентлик, педагогнинг маҳорати ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Компитентлик, касбий маҳорат, аутокомпитентлик, экстремал касбий компитентлик, Дарс бериш маҳорати, Тарбиялаш маҳорати.

**Кириш.** Таълим тарбия тизимининг умумий мақсади жамиятимизга тенг ҳуқуқли демократик давлат талабларига жавоб бера оладиган масъулятли баркамол жамият аъзоларини табиялаб беришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни бугунги кунда педагогларнинг таълим бериш самарадорлигини ошириш ва амалга ошириши керак бўлган бир қатор талаблар қойди. Улар қуйидагиларни ташкил этиши лозим:

1. Дарс бериш маҳорати
2. Тарбиялаш маҳорати
3. Ўқув-тарбиявий жараёнларда инсонпарварлик тамойилларига ёндашувни таъминлайдиган шахсий сифатлар
4. Таълим олувчиларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати

Касбий фаолият жараёнида замонавий ўқитувчиларнинг педагогик компитентлигини ривожлантириш орқали шахс ҳаётига ҳамда унинг ижтимоий ривожланишига маълум бир даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Замонавий жамиятда таълим-тарбия тизимини ривожлантиришнинг бош гўяси – шахснинг турли ҳил соҳаларда мақсадли мустақил фаолияти асосида унинг интеллектуал ва ахлоқий- маънавий ривожланишидир. Замонавий ўқитувчининг касбий компитентлигини ривожлантиришдан аввал ушбу тушунчанинг асл моҳиятини, шундан сўнг эса уни такомиллаштириш ёълларини билиш лозим.

Илмий адабиётларда компитенция сўзига қуйидагича таъриф берилади:

Компетенция (лотинча Сомпетентио дан Сомпето-га эришаман, учрашаман, мос келаман) - бу мутахассиснинг маълум даражадаги касбий муаммоларни ҳал қилишдаги шахсий билиш қобилиятидир. Шунингдек, компетенция деганда маълум бир ташкилот, компания ходимларининг (ёки айрим ходимлар гуруҳининг) шахсий, касбий ва ҳоказо фазилатларига расмий равишда тавсифланган талаблар тушунилади.

Касбий компитентлик – мутахасис томонидан касбий фаолиятни ошириш учун керак бўлган билимларнинг, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни ўз фаолияти давомида муносиб қўллаш олишидир. Ўқитувчи албатта, алоҳида билим кўникмаларни эгаллаши билан бирга, маълум бир мустақил ёъналиш бойича билимлар ва ҳаракатларни ўзлаштирилишини назарда тутди. Демак, касбий компитентлик педагогдан мутахасислик билимларини бойитиб бориш, янги ахборотларни кузатиб уларни қўллаш билиш, изланувчанлик ва янги билимларни қайта ишлаб ўз фаолиятига қўллаш олиш маҳоратини ҳам талаб этади.

К. Ангеловски ўқитувчининг касбий компетенцияси тузилишини педагогик маҳорат орқали аниқлайди

Педагогик маҳорат бу ерда тўрт гуруҳга ажратилади:

1. Таълимнинг объектив жараёни мазмунини аниқ педагогик вазифаларга "таржима қилиш" қобилияти: шахс ва жамоани ўрганиш, шу асосда янги билим ва дизайнни фаол ўзлаштиришга тайёрлигини аниқлаш, жамоани ривожлантириш ва алоҳида талабалар; таълим, тарбия ва ривожлантириш вазифалари комплексини аниқлаш, уларни конкретлаштириш ва устун вазифани белгилаш.

2. Мантиқан тугалланган педагогик тизимни қуриш ва ёълга қўйиш қобилияти: ўқув вазифаларини комплекс режалаштириш; уни ташкил этиш шакллари, усуллари ва воситаларини асосли танлаш.

3. Таълимнинг таркибий қисмлари ва омиллари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ва ўрнатиш, уларни амалда қўллаш қобилияти: зарур шароитларни яратиш (моддий, ахлоқий, психологик, ташкилий ва бошқалар); талаба шахсини фаоллаштириш, унинг фаолиятини ривожлантириш;

4. Педагогик фаолият натижаларини қайд этиш ва баҳолаш қобилияти: ўқув жараёни ва ўқитувчи фаолияти натижаларини интроспекция қилиш ва таҳлил қилиш; доминант ва бўйсунувчи вазифаларнинг янги тўпламини белгилаш.

Ўзбекистонда ўқитвчининг касбий компитентлиги ва унинг ўзига хос жиҳатлари тоғрисида бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Б.Назарова олиб бромган тадқиқотларга кўра касбий компитентлик қуйидаги таркибий асослардан ташкил топади:

- Махсус ёки касбий компитентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш).
- Ижтимоий компитентлик ( касбий фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш, ижтимоий масъуллик).
- Аутокомпитентлик (ўзини ижтимоий-касбий ривожлантира олиш).
- Экстремал касбий компитентлик (кутилмаган вазиятларда ишлай олиш).

Юқоридаги тадқиқот натижаларини умумлаштириб айтганда мутахассис таълимни ташкил этиш жараёнида юқори даражада билимга эга бўлиши, ўзини устида ишлаб ривожлантира олиши ва ҳар қандай кутилмаган ҳолатларда улардан чиқиш ёълини билиши зарур экан.

Демак ўқитувчи, шахс ва унинг ижтимоийлашув жараёнида муҳим ўрин тутувчи, мураккаб инсон қиёфасига эга бўлган, касбий сифатларни ўзида мужассам этган, шахсдир.Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг замирида ўтиувчи ва унинг меҳнати ётади. Ўқитувчининг таълим жараёнига педагогик, психологик ёндашуви, билимларни пухта даражада ўзлаштирганлиги, мулоқот жараёнида ўзини тута билиш қобилияти ва турли вазиятлардан чиқа олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар томонлама етук интеллектуал ривожланган, ижтимоий сифатлар билан тарбияланган, миллий ва маънавий қадриятларга садоқатли, янгича фикрлайдиган, ўз шахсий ва фуқаролик позициясига эга, миллий мафқуранинг барча сифатларини ўзида мужассамлаштирган баркамол шахсни тарбиялаш долзарб вазифалардан биридир.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. ЎРҚ-637 23.09.2020
2. Абдурахмонова З.А “Замонавий ўқитувчининг касбий компетенциясини шакллантириш муаммолари” (Конференция материаллари тўплами)- 2016
1. Абдурахмонова, З. Ю. (2020). ОСНОВНЫЕ ТРУДНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПЕРЕВОДА ДЛЯ НАУЧНО ТЕХНИЧЕСКОГО ТЕКСТА. In *Общественные и гуманитарные науки* (pp. 296-297).
2. ABDURAKHMONOVA, Z. THE ROLE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF THE EDUCATIONAL PROCESS. *ЭКОНОМИКА*, 12-16.
3. Юлдашева, Д. М., & Абдурахмонова, З. Ю. СПЕЦИФИКА ОБУЧЕНИЯ ПЕРЕВОДУ НА РУССКИЙ ЯЗЫК ФРАНЦУЗСКИХ ТЕРМИНОВ. ББК 80я43, 172.

4. Aripov, N., Kamaletdinov, S., Tokhirov, N., & Abduraxmanova, Z. (2022). Simulation Modeling of Train Traffic Based on GIS Technologies. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 16, 73-82.
5. Абдурахмонова, З. Ю. (2021). ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИДА САМАРАЛИ ЁНДОШУВ. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 1189-1193.
6. Абдурахмонова, З. Ю. (2022). ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 491-500.
7. Абдурахмонова, З. Ю. (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ЎҚИТИШДА ЯНГИЧА МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *World scientific research journal*, 10(1), 23-31.
8. Раматов, Ж.С., Ҳасанов, М.Н., & Жуманиёзова, Н.С. (2022). ТАЛАБА-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 866-874.
9. Ramatov, J.S., Umarova, Rozigul , & Khasanov, M.N. (2022). METHOD OF DETERMINATION OF TRANSPORT INTENSITY IN URBAN CONDITIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 931-936.
10. Эрнийёзов У., РАМАТОВ Ж ., Тухтабоев Э., Валиев Л., Жуманиёзова Н., & Ҳасанов М. (2022). ШРИ АУРОБИНДО ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЗАРУРАТИ . *World Scientific Research Journal*, 9 (1), 197–202. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2285>
11. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Ҳасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.
12. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) // *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.
13. М.Н.Ҳасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>

14. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 582-586.
15. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.
16. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.
17. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.
18. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhokim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.
19. Раматов, Ж. С., Эрнийёзов, У. К., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). САНЪАТНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АХАМИЯТИ. *World scientific research journal*, 9(2), 65-70.
20. Миршод Нўмонович Хасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 393-398.